

## БУГУНГИ ФАЛСАФА: ТАНАЗЗУЛ САБАБЛАРИ ВА ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14510174>

**Анвар Кодиров**

Алфраганус уриверситети профессори,  
фалсафа фанлари доктори.

### АННОТАЦИЯ

*Бугунги фалсафа гўё чуқур таназзулни бошидан кечираётган, ўзининг анъанавий методологик салоҳиятини йўқотиб бўлганидек, кераксиз “матох”га айланганидек бўлиб туюлади. Бундай фикрнинг мантиқий асоси-фалсафани фан, ўқув предмети сифатида таълим режаларида йил сайин қисқартирилиши, анъанавий мустақил фалсафий фанларни нигилистик тарзда бирлаштириши тенденциясининг кейинги йилларда шаклланиб бораётганлигидир.*

*Собик марксча-ленинча мафкурани ижтимоий ҳаёт соҳасидан бадарга қилиниши жамиятда ўзига хос “ваакум”ни вужудга келтиргани каби фалсафани инсон ва жамият ҳаётида ноўрин қисқартириши ва заифлаштириши дунёқараш соҳасида ҳам ўзига хос “бўшлиқ”ни юзага келтирди, айниқса, ёшлар дунёқараш натижада Фарб “оммавий маданияти” таъсирига тушиб қолмоқда. Энг таажжубланарлиси- илмий тадқиқотлар соҳасига фалсафий методологиянинг алоқаси йўқ, деган нотўғри ижтимоий фикр шаклланди. Бироқ “парадокс” шундаки, илмий даражалар учун ҳуқуқий ваколатли институт – Республика Олий аттестация комиссияси барча фанлар бўйича илмий даражалар номига “фалсафа доктори” терминини илова қилади. Ўзбекистонда фалсафани фан даражасидан йил сайин суриб чиқараётганлиги палласида ушбу нуфузли ва ваколатли ташкилот қайси фалсафани илмий даражалар учун асос ва меъёр қилиб олмоқда, деган савол тугилади. Шу маънода, бугунги фалсафа ўзи қандай? деган иккинчи савол ҳам пайдо бўлади.*

*Тан олиш керак – бугунги шаклдаги фалсафа юмиоқ ифодалаганда суррогат” фан бўлиб, жиддий ифодалаганда эса “демагогия” (“сафсата”)дир. Шу боис ҳам у таназзулга юз тутган. Аниқ, конкрет фанлар фалсафанинг бундай аянчли мазмунидан юз ўгирмоқда, фалсафа фан тараққиёти йўлида ортиқча гов бўлиб турибди. Хўш, масалани қандай ечими мавжуд ва инсоният тафаккурининг анъанавий “ гултожи” бўлиб келган фалсафани инсон ва жамият ҳаётида мавқеини қандай тиклаш ва юксалтириши мумкин, деган савол тугилади.*

Фалсафанинг мазмун-моҳияти аслида турли ҳаётий масалалардан иборат: “Инсон нима?”, “Ҳаёт ва унинг мазмуни нимада?”, “Борлиқ нима?”, “Ўлим нима?” ва ҳоказоларга асосланади. Бундай масалалар юзаки қараганда оддий, содда масалалар бўлиб кўринади. Аслида эса бугунги инсон ва инсоният тафаккури аксарият рационал, илмий табиатда бўлганлиги сабабли инсон ва инсониятнинг ўзи “Апокалипсис” - “Охир замон”, сўнги давр бўлишини тезлаштирмоқда – умуминсоний таназзулга юз тутмоқда. Жумладан, фалсафа ҳам таназзулни бошдан кечирмоқда. Ушбу таназзулдан чиқиш йўллари ва омиллари ҳам мавжуд. Ушбу мақолада фалсафа таназзули ва ундан чиқиш, фалсафий тафаккурни замон талаблари асосида юксалтириш хусусида мулоҳаза юритилади.

**Калит сўзлар:** фалсафа, фалсафа таназзули, рационал тафаккур, иррационаллик, эзотеризм, тасаввуф фалсафаси, суфизм тариқати, янги ҳаёт парадигмаси.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги фалсафанинг таназзули кўплаб сабаблар ва омиллар боғлиқ. Ўзбек файласуфларидан бири Ш.Қаҳҳорова нуқтаи назаридан қараганда, бугунги глобал маънавий инқирознинг сабабини айнан моддиюнлик фалсафасининг таъсири билан боғлаш мақсадга мувофиқ [2.47]. Бу қанчалик ўринли, деган савол туғилади. Моддиюнлик, яъни “материализм” собиқ марксча-ленинча фалсафа-диалектик ва тарихий материализмнинг “умуртқа поғонаси” ҳисобланади. Собиқ ўзбек фалсафаси моҳиятан ушбу фалсафа сиёсати ва мафкурасига қарам ҳолда ривожланди. Бироқ, СССР парчалангандан сўнг марксча-ленинча фалсафа жамият ҳаётидан чиқариб ташланса-да, у суррогат шаклда, яъни миллий мустақиллик фалсафасига таянган ҳолда ўз ўзагини йўқотмади, сабаби – унга муқобил фалсафа қарор топмади. Бу ўзига хос таназзул ҳолатини юзага келтирди – “Синергетика” (М.Абдуллаева, Д.Бозоров, Н.Шермухамедова), “Мураса фалсафаси” (И.Раҳимов), “Тасаввуф фалсафаси” (Н.Комилов), “Мустақиллик фалсафаси” (А.Жалолов) ва ҳоказо фалсафага оид лойиҳалар шаклланди. Бироқ, ушбу лойиҳаларнинг ҳеч бири оммалаша, аниқроғи легитимлаша олмади. Бугун жаҳон миқёсида позитивм ва постпозитивизм парадигмасига асосланган фан фалсафаси – сциентизм устувор мавқега эга бўлди. Инсоният XX аср ва XXI аср бошларида фан ва техника соҳаларидаги улкан ютуқларга маҳлиё бўлиб, фақат илмий билимларгина инсон дунёқарашини белгиловчи омил деб қарай бошлади [1.416]. Натижада азалий анъанавий масала – “Инсон нима?”, “Инсонийлик нимада?”, “У олий мавжудот сифатида қандай яшаши керак?”, “Инсон ҳаётининг маъноси нимада?” ва ҳоказо саволлар четда қолди. Жамият мафкураси ҳам том маънода

илмий билимлар (аниқ фанлар) рефлексиясига асосланди. Бундай тенденция Ғарб Уйғониш давридан бошланди, Ньютон механикаси классик тус олиб, анъанавий метафизика (Платон, Аристотель, Ал-Фарғоний, Форобий, Беруний, Хоразмий) инкор этилди ва фанда материалистик тенденция ривожланди. Аслида эса фалсафа "Метафизика"га, яъни табиий илмларга асосланувчи илмий дунёқараш бўлиб, ўз таркибига айрим эзотерик элементларни ҳам олган. Масалан, Шарқ пантеизми ва эманация назариялари шундан далолат беради. Моддиончилик ёки материализм чекланган, бирёқлама фалсафа эканлигини бугунги Ғарб маънавий инқирози тасдиқлаб турибди. Буни теран фикрловчи олимлар англаб етишган. Масалан, таниқли ўзбек олими Гайбулла ас-Салом “Моддапарастлар узокни кўра олмайди. Гўё инсон кўз юмгандан сўнг, ҳаёт тамом, вассалом. У то ўз ўлимига қадар яшайди, холос. Шундай экан, одамлар ўз ҳаётлиги чоғида содир этган ҳар қандай жинояти учун бошқа ҳеч кимга, ҳеч қаерда, ҳеч қачон жавоб бермайди, бундай “фалсафага ишонган кимса(дан)... ҳар қандай жиноят, хиёнат ва фаҳшни кутиш мумкин [3, 17] деб бежиз таъкидламаган эди.

Жаҳонда XX аср ўрталаридан тобора даҳшатли тус олаётган экологик таназзул, табиатни ваҳшийларча ўзлаштириш, табиат ва жамият ўзаро мувозанатини бузиш, инсонга турли сунъий озуқа ва шароитларни яратиш, қулайликлар шакллантириш, қўл меҳнатини унинг сунъий аналогларига юклаш (автоматик ишлаб чиқариш тизимлари, робототехника, нано технологиялар,” сунъий ақл” ва ҳоказолар), уни нафақат жисмоний, балки рухий ва маънавий инқирозига, инсонни “ инсонлик” қиёфаси тугул, маънавий моҳиятидан ҳам бегоналаштирди (бесоқоллик, гомосексуализм, трансгенлик ва ҳ.в. жирканч ҳодисалар).

Моддиончилик, материалистик фалсафанинг бирёқламалиги ва методологик жихатдан чекланганлиги шундаки, у моддий, сезги органлари орқали идрок этилувчи нарсаларнигина эътироф этади, номоддий, рухий,” трнсцендентал”(И.Кант) ҳодисалар, “микрососм”, яъни инсон ички, маънавий дунёси ҳам мавжуд эканлигини инкор этади [5.30]. Бундай типдаги дунёқарашга эга инсон жамият ва инсоният учун хавфлидир, у ҳеч нарсадан тап тортмайди, инсон табиати тугрисидаги фалсафий тушунчадан бегоналашади. Бирок калбининг узок бир чеккасида қандайдир номоддий, илохий бир куч, қудрат ҳам мавжудлигини хис этади, қурқув аралаш бир сезгини туюди. Бундай экзистентликни мавжудлигини Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари, суфийлик ва тасаввуф илми намоёндалари (Накшбандия, Яссавия, Кубровия, Мотуридия ва х.к.), шунингдек, Ғарб экзистенциализми

(К.Ясперс, Хайдеггер, А.Камю, Ж.П.Сартр ва бошқалар), феноменология (Э.Гуссерль) вакиллари ҳам эътироф этганлар.

Хуш,фалсафанинг юксалиш, кайта тикланиш ва “Уйғониш” омиллари нимада,деган савол тугилади.

Фалсафани илм ва дунёқараш сифатида кайта тикланиши ва юксалишининг омили мамлакатимиз миллий мустақиллиги,аникроги-фалсафий тафаккур мустақиллиги ва эркинлигининг кулга киритилишидир.Бу хусусда таникли жамоатшунос олим Абдурахим Эркаев шундай деб таъкидлайди: “Тафаккур эркинлиги-гаразли гоёларни илгари суриб,факат узиникина маъқуллаш эмас, балки жамият ва келажак олдида маъсулиятни хис этиб,холисликни намоеън қилишдир”(4.16), дейди.

Миллий мустақиллик туфайли фалсафий тафаккур ҳам мустақилликга еришди (А.Жалолов). Бироқ хануз анъанага айланган фалсафа фанида эски давлатчилик монополияси ҳолатидан чиқа олмади. Аслида еса мустақил давлат унинг юксалиши фалсафий методологияга ехтиёж сезади, теран фалсафий методологиясиз Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни бунёд этиш қийин. Учинчи Ренессансинг маънавий пойдевори - Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврлари фалсафий меросидир. Ушбу бой мерос, айниқса фалсафада шоро мафқураси устувор бўлган даврда тақиқланган, мистик, диний қараш, деб баҳоланган тасаввуф фалсафаси (Н.Комилов), суфийлик тариқати бугунги фалсафани яна ўзининг шарқона анъанавий ривожланиш ўзанида юксалиши учун муҳим омилдир.

Фалсафа дунёвий билим билан бир қаторда езотерик ва диний илмларни ҳам ўз манбаи деб қараши, ўтмишда яратилган бой фалсафий меросга таяниши, уни давр, замон талаблари асосида янги мазмунда ривожлантириши лозим. Бу фалсафани ўз предмети қобиғида эмас балки анъанавий ривожланиш (метафизика) асосида юксалиши дегандир.

## **ХУЛОСАЛАР**

Бугунги кунда моддий ва реалик билан бир қаторда вертуал реалик ҳам шаклланмоқда, ҳатто кейингиси инсон дунёқараши шаклланишида тобора устувор мавқега ега бўлиб бормоқда. Маълумотларга қараганда бугун интернет тармоғидан фойдаланиш нуфузи аҳолининг 94 фоизини ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткичнинг аксарияти ёшлардир.

Глобаллашув ва космополитизим мафқуравий стратегияси асосида интернет имкониятидан " юмшоқ куч" (Софт Пошер) технологиялари асосида миллий маънавиятимизга батамом ёт, ундан бегоналашувга олиб борувчи жозибали маънавий - рухий маҳсулотлар мамлакат келажаги - ёшлар қалби, онги - шуурига сингдирилмоқда. Фақат моддий маънфатни козловчи нодавлат

матбуот тармоқлари Ғарб "оммавий маданияти", турли беҳаё филмлар, кўрсатувлар, "шоу"ларига тақлидчиликни юксалтирмоқдалар, ёш авлодни анъанавий халқ маънавий қадриятларидан (А.Қодирий. Ўтган кунлар) кун сайин бегоналлаштирмоқдалар.

Демократия ва либерализмнинг асосий юлдоши ва талаби еркинлик маъсулияцизлик, жавобгарсизлик, провардида еса берахмлик, шафқацизлик, девеант хулқ - атвор, ёшлар, ўсмирлар жинойтчиликнинг осиишига жамият маънавий инқирозига туртки бермоқда. Бугунги фалсафанинг асосий мақсади ва вазифаси “ёқотилган авлод” (Лост генератион) еффеқтини заифлаштириш ва мамлакат ижтимоий ресурси бўлган ёшлар енергияси, кучи, шижоати, истеъдоди ва еътиборини стратегик вазифа – Янги Ўзбекистонни барпо етиш Учинчи Ренессансга еришишдек буюк халқ орзусини амалга ошувига йўналтиришдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси. - Т. : Ўзбекистон 2022, 416 б.
2. Шаҳноза Қаҳҳорова. Глобал маънавият - глобаллашувнинг маънавий асоси - Т. : " Тафаккур" нашриёти, 2008.
3. Ғайбулла ас-Салом. " Ўзим билан суҳбат " туркумидан. // Тафаккур. 2002. Н 2.
4. Абдурахим Еркаев. Орзудаги фозил жамият. - " Тафаккур", 2022 йил, 4 - сон, 16 - б.
5. Виктор Алимасов. Бегоналлашув. // Тафаккур, 2020 йил 2 - сон. 26 - 31 бетлар.